O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MAJLIS KALATASI

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 11 июль, № 132 (4031) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 июль куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлерни қабул қилди.

— Ташрифингиз икки томон манфаатларига хизмат қиладиган ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Германиянинг интилишлари муштарак эканлигидан яна бир далолатдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон ва Германия ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимизнинг маданиятини ўзаро бойитиш борасида катта тажрибага эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар ривожланиб бормоқда. Жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит немис ишбилармонларининг мамлакатимизга қизиқишини оширмоқда. Сўнгги олти ой давомида Германиянинг қатор ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимизга ташриф буюриб, жойларда саноат ишлаб чиқариш ҳамда янги лойиҳалар бўйича ҳамкорлик юзасидан бевосита мулоқотлар ўтказганини таъкидлаш ўринлидир. Улар орасида Германиянинг "Даймлер-Крайслер", "EADS", "MAN Ferrostaal AG", "LEMKEN GmbH" каби қатор етакчи компаниялари раҳбарлари бор.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич қарийб 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида сиёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривож топмоқда. Бунда икки томонлама мулоқотларни, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлер кўп йиллар давомида Германия Бундестагида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. Меҳмон қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириб боришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Учрашувда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидаги таклифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида

Етиштирилган мева ва сабзавотлардан самарали фойдаланиш ҳамда нобудгарчиликларга йўл қўймаслик, фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш, тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқаришлар билан таъминлаш ҳисобидан уларни комплекс қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида:

1. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги таклифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳ икки ой муддатда:

мутахассисларни жалб этган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича уларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи жаҳонда пешқадам хорижий мамлакатлар (Германия, Венгрия, Италия ва бошқалар) етакчи компанияларининг замонавий ускуналари ва мини-технологияларини пухта ўрганиб чиқсин, уларнинг техник-иқтисодий тавсифини Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича қатъий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий баҳоласин;

маҳаллий ва хорижий тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича улар билан фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни таъминлаш учун тез қайта созланадиган ихчам замонавий технологик ускуналар харид қилиш шакллари ва Ўзбекистонга етказиб бериш механизмини ишлаб чиқсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда, фермерлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, туманлар бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ишлаб чиқаришларнинг аниқ турларига бўлган талабни атрофлича ўрганиб чиқсин ҳамда улар билан фермер хўжаликларини, кичик корхоналар ва агрофирмаларни жиҳозлаш эҳтиёжларини аниқласин;

хорижий тажрибани ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича харид қилинадиган хорижий ускуналар ва мини-технологияларга хизмат кўрсатувчи сервис тармоғини ташкил этиш, ходимларни мазкур ускуналардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишга ўқитиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

3. Ишчи гуруҳ, олиб борилган ишлар асосида, фермер хўжаликлари ҳамда улар томонидан ташкил этилган агрофирмаларга мева ва сабзавотларни қайта ишловчи ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқаришларни етказиб бериш ва таъминлаш бўйича аниқ таклифларни, мазкур вазифани янги мевалар, сабзавот ва узум етиштиришнинг янги мавсуми бошланишигача ҳал этишни назарда тутган ҳолда, 2006 йилнинг 1 сентябригача Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари Комплекси зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган барча ишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш вазифаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар ҳокимликлари зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик юклансин.

5. Ишчи гуруҳга ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга вазирликлар, идоралар ва тадқиқот марказлари мутахассисларини жалб этиш, сифатли таклифлар тайёрлаш учун зарур маълумотларни сўраб олишга рухсат берилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 июль.

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Банклар уюшмасида "Микромолиялаштириш хизматлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. "Микрокредитбанк", Банклараро молиявий хизмат маркази ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят ва туманларнинг мазкур масалага мутасадди раҳбарлари ҳамда мутахассислар иштирок этишди.

МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Таъкидландики, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармони билан ташкил этилган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки кичик бизнес соҳасига кирувчи субъектларни ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг бошланғич маблағларини шакллантиришни, айланма маблағларини кўпайтиришни кўзлаган ҳолда микрокредитлар ажратади, уларга лизинг асосида зарур техника, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар олиб беради. Энг муҳими, ажратилаётган кредит маблағларининг фоиз ставкалари бошқа банкларникидан бирмунча пастлиги билан аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, янги молиявий муассаса энди иш бошлаётган тадбиркорларга сарфлаган маблағларининг самарадорлигини кўпайтириш учун консалтинг хизмати ҳам кўрсатади. Банк аҳоли фаровонлигини ошириш учун кредитлаш борасида жаҳон микёсидаги илғор анъаналарни жорий этади. Шу билан бирга, халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли сармоялари ва грантларини жалб қилади.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига

ИСТИҚЛОЛ — САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат

— Яна бир неча кундан сўнг халқимиз ўз истиқлолини қўлга киритганига 15 йил тўлади. Биз бу йил ўн бешинчи бор байрам қиладиган саодатли санани — Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган кунни Сиз қандай эслайсиз?

— Инсон ҳаётида унутилмас воқеалар, кунлар ва лаҳзалар кўп бўлади. Киши уларни эслаганида, вужудини ҳаяжон чулғаб, кўнглида фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

1991 йилнинг 31 августи — Ўзбекистон парламентида Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ватанимиз мустақил давлат деб эълон қилинган кун — мен учун ана шундай ҳаяжон, фахр-ифтихор билан эсга оладиган саодатли кундир. Мен бу санани ўзимнинг ҳам, халқимнинг ҳам қайта туғилган куни, деб биламан.

Айни пайтда ўша куни ўзим гувоҳ бўлган яна бир манзара асло кўз ўнгимдан кетмайди. Салкам бир ярим асрлик истибдод, етмиш беш йил яккаҳоким бўлган коммунистик мафкура одамларимизнинг юрагини олиб, итоатгўй қилиб қўйган эди. Ана шундай рутубатли муҳитда бирдан чақмоқ чақиб, оламни қуёшдек чарақлатиб юборса, кўпчилик шошилиб, карахт бўлиб қолиши табиий. Президентимизнинг "Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қиламан!" деган ўктам сўзларини эшитиб, Олий Кенгаш сессияси ўтаётган залда ўтирганларнинг кўпчилиги ана шундай ҳолга тушган эди. Давлатимиз раҳбарининг даъватидан сўнггина одамлар ўзига келиб, оёққа қалқди. Зал гулдурос қарсакларга тўлди...

Шундай қилиб, 1991 йили Ислом Каримовнинг иродаси, азму шижоати, дадиллиги ва даъвати билан халқимизнинг қарийб бир ярим асрлик армони ушалди. Тарихий адолат тикланди.

Бугун, орадан 15 йил ўтгач, одамларимиз, айниқса, истиқлол йилларида камол топаётган ёшлар ушбу сананинг қанчалик эҳтиромга сазовор кун эканини, халқимизга Яратганнинг марҳамати — Мустақилликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини, аҳамиятини теран англаб етмоғи лозим. Бирор инсоннинг бурнини қонатмасдан давлат мустақиллигига эришиш тарихда жуда кам учрайдиган ҳодиса. Давлатимиз раҳбарининг қатъияти билан бошимиздаги бир тола сочимизга ҳам зиён-заҳмат етмасдан истиқлолга эришдик. Бу меҳнат, қатъият ва шижоатнинг қадрига етмоғимиз лозим.

Айни пайтда истиқлол бизга берилган туҳфа, осонгина қўлга киритилган неъмат эмас. Бу йўлда аждодларимиз неча ўн йиллаб жонидан кечиб курашганини, бемисл қурбонлар берилганлигини асло унутмаслигимиз керак.

Жаҳон харитасида "Ўзбекистон Республикаси" деб аталган мустақил давлатнинг пайдо бўлиши халқаро майдонда, сиёсатда ва иқтисодда катта ўзгаришларга сабаб бўлган улкан воқеадир. Мен халқимиз ҳаётидаги ана шундай улкан тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимдан бахтиёрман.

Айни пайтда яна бир бор таъкидлагим келади. Мустақилликка эришишдан ҳўра, уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш қийинроқ экан. Чунки, озодликни ҳамма ҳам чапак чалиб, хурсандчилик билан кутиб олмаслиги табиий.

(Давоми 4-бетда).

ОНАЛИК СЎЗИМНИ АЙТСАМ...

Дил изҳори

Тутинган сингилларимдан бири алоҳида ташриф билан келиб, номзодлик диссертацияси ҳимоя қилаётганини айтганда, очиғи, бошим кўкка етди. Боиси у анчадан буён геронтология — кексалик ҳақидаги фан билан қизиқиб, шу мавзуга оид материаллар тўплаб юрганидан хабарим бор эди. Автореферати-ни кўздан кечирдим, «Авлодлараро ворисликни таъминлашда қарияларнинг ўрни (социологик таҳлил)». Мавзуни қаранг, замонасига яраша-да...



Ҳимояда чиройли тилаклар кўп бўлди. Буни қарангки, илмий кенгаш аъзоларининг якдиллиги билан иш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тавсия этилди. Шу онда ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бир домламизнинг номзодлик диссертациясини ёқлаганлари, бироқ илмий унвонни олгунча кўп сарсон бўлганлари хаёлимда жонланди. У пайтлари бундай унвон олиш учун ҳужжатлар илмий кенгаш тавсияси билан марказга юборилларди. Чунки бундай масалалар фақат ўша ернинг Олий аттестация комиссияси муҳокамасида ҳал этиларди. Домламиз янгиликни салкам бир йил кутди. Кейин ҳужжатлари йўқолгани (ёки йўқотилгани) маълум бўлди. Яна ҳаммасини янгилади. «Марказ»га юборди. Хуллас, фан номзоди бўлиш у кишига қимматга тушди. Соғлиғидан айрилди. Шунча қилган меҳнатларининг роҳатини кўриш эса насиб этмаганди...

Қувончи ичига сиғмаётган Шоҳидахон Содиқовани қутлар эканман, дилимдан ўтган ўй тилимга қандай кўчганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Эркинликка не етсин. Ҳаммасини ўзимизда ҳал эта олаётганимиз қандоқ яхши-я. Илмга, илм эгаллашга, миллий кадрлар етишиб чиқишига йўл очилгани шу эмасми? Озод ўлканинг ҳур олимаси бўлиш қандай катта бахт. Ҳимоя якунланиш арафасида Шоҳидахоннинг оналари Руқия ая Мусурмонованинг дил сўзлари кўпчиликни, устоз олимларнинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Бундай дамларда оналар нима ҳам дея оларди, дерсиз. Бироқ ая ҳаяжонларини босиб, аста сўз бошлаганларида ҳамманинг борлиғи қулоққа айланди.

— Бу дунёда яшаябмизми, яхши гапни ҳам, ёмонини ҳам айтиб қолиш керак, дейишади. Худойилигимни айтсам, урушнинг оғир кунлари аламини тортганман. Колхозда дуч келган ишда ишладим. Пахта тердим, пилла боқдим. Дадаси билан урушдан кейин топишдик. Ўн нафар фарзанд кўрдик. Кўрсатганига шукрки, болаларимнинг ҳаммалари ўқимишли, — ая бироз тин олдилар. — Ҳозир ўйлаб ўтирибман. Тинчлик, осойишталик бўлмаганида бундай бағри бутунликда давра қуриб ўтириб бўлармиди? Ахир дунёда шундай шаҳри азимлар борки, у ерда ҳатто тинч ухлаш ҳам амри маҳол. Бизда-чи? Болаларимиз кечалари чароғон кўчаларда бемалол сайр этишади, ўйин-кулгу қилишади. Ўқийман, олим бўламан дегани истаса ўзимизда, истаса чет элда илм эгаллаши мумкин. Айтинглар, қайси замонда ўзбекнинг боласи ўзга юртларда хорижликларга дарс берган. Оддий колхозчининг фарзанди қачон бунчалар улуғ мартаба, илмий унвонларга сазовор бўлган. Замонасидан ўргилайки, бугун қишлоқнинг боласи билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шулар қатори кенжатойим ҳам ўқиб-ўрганди, илм қиламан деди. Мана бугун эса сизлардек катта олимларга «имтиҳон» топширди. Бу гаплар балки бировларга эриш туюлар. Лекин ҳаққини айтганда, илм эгаллаган сира хор бўлмайди. Юртимизнинг эртасини, келажагини билимли кишилар, фозилу фузалолар, олиму уламолар белгилайди, деб ўйлайман. Шу боис бу кун оналик сўзимни айтсам, ўткинчи дунёда ўткинчи ҳою-ҳавасга берилиш яхшилик келтирмайди. Ҳур замонда илмли бўлишга не етсин. Бутун олам олимнинг кафтида бўлиши ҳақ гап ахир. Фақат буларнинг қадрига ета олсак бўлгани...

Ҳамма аяжонни қутларди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мукаммал таъмир — аъло сифат

Андижон механика заводи жамоаси таъмирталаб аҳволга келиб қолган юк вагонларининг «умри»ни узайтириш борасида қатор тадбирларни амалга оширишмоқда. Мукаммал таъмир — аъло сифат эканини ўзларига мезон қилиб олган ишбилармонлар кейинги йилларда юзлаб вагонларни қўлдан чиқариб, мамлакат темир йўлларига кузатиб қўйдилар.

Андижонлик созловчилар яқинда Украинадан хушхабар олишди. Мариуполь шаҳрида жойлашган МДҲ вагон хўжаликлари бошқаруви кенгаши усти ёпиқ вагонлардан 12 тасининг халқаро талаблар даражасида таъминлангани учун завод жамоаси ишига юксак баҳо берди. Бу вагонлардан яна 16 йил фойдаланиш мумкин.

Жамоа йил охиригача яна 40 та ёпиқ вагонни мукаммал таъмирдан чиқармоқчи.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ — Наманган вилояти



ЭЗГУ МАҚСАД САРИ БОРАР БУ КАРВОН

Истиқлолга эришганимизга 15 йил тўлаяпти. Ҳадемай ушбу қутлуғ санани халқимиз катта байрам сифатида нишонлайди. Ҳар гал энг улуғ, энг азиз айёмимиз тобора яқинлашиб келар экан, бир ҳолат эътиборимни тортади: кўча-кўйда, ишда, гоҳ маҳалла аҳли орасида, қўйингки, қаерда бўлмайин одамларимизнинг кўтаринки кайфиятда юрганига, шодиёнани кутиб олишга ажиб бир ҳаяжон ила ҳозирлик кўраётганига гувоҳ бўламан. Шаҳар марказларида янгиданянги бинолар қад ростлайди, олис қишлоқларда ҳам улардан асло қолишмайдиган муҳим иншоотлар байрамга туҳфа сифатида фойдаланишга топширилади. Ўзига хос анъанага айланиб улгурган бу хайрли ишлар замирида ўзбек халқининг бунёдкорлиги, яратувчанлиги намоён, десак муболаға қилмаган бўламиз. Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби мустақиллик йилларида Наманган вилоятида ҳам ана шундай улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз пойтахтини гўзал водий билан Тошкент-Ўш автомобиль йўлидаги Қамчиқ довони боғлаб туради. Йўлингиз тушган бўлса, яхши билсангиз керак, вилоятимизнинг ҳудуди ҳам айнан мана шу довондан бошланади. Ямяшил табиат манзараларидан баҳра олиб борар экансиз, машинангизнинг текис ва равон йўлда қандай қилиб юриб кетаётганини ҳам сезмайсиз. Давлатимиз раҳбарининг бевосита кўрсатмалари билан олиб борилган бунёдкорлик ишларидан сўнг бу йўллар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳайдовчию йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи алоҳида эътиборга олинди. Айниқса, замонавий услубда қурилган тоннелларнинг ишга туширилгани катта қулайлик туғдирди, йўл анча қисқарди.

Очиғи, илгарилари Тошкентга борганимизда ёки у ердан ортга қайтаётганимизда юрагимизни бир ҳадик чулғаб оларди. Чунки у пайтларда йўлларнинг нотекислиги сабабли Қамчиқ довонидан ўтиш анча хатарли эди. Бугун эса ана шу хавотирларга умуман ўрин қолмаган...

Наманган республикамизнинг энг кўркам вилоятларидан бири ҳисобланади. Қадим-қадимдан Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётида у ўзига хос ўрни ва аҳамиятига эга бўлган. Тарих тақозоси билан водий маркази гоҳ у, гоҳида бу шаҳарга кўчган даврларда ҳам Наманган ўз қиёфасини сақлаб қолган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида ҳам Наманганнинг таркибий қисми бўлмиш Ахсикент гуллаб яшнаган муаззам шаҳар бўлгани ҳақида шундай маълумот беради: "Сайхун суйининг шимоли тарафидаги касабалар: бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... Фарғонада Андижондан сўнгра мундин улуғроқ касаба йўқдур". Мана шу қисқа таърифнинг ўзиёқ бу гўша ўтмиши ҳақида маълум бир тасаввур уйғотади кишида.

Наманган вилоят сифатида 1941 йилнинг 6 мартида ташкил топган. Иқлими мўътадил. Текислик минтақаси эса чўл-субтропик иқлимга мансуб. Вилоятдан икки дарё — Норин ва Қорадарё оқиб ўтади. Айтиш жоизки, қулай иқлим иқтисодиётнинг аграр тармоғини, соғломлаштириш муассасаларини ҳамда сайёҳликни кенг ривожлантириш имконини беради. Экологик жиҳатдан сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш учун ҳам яхши шароит мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳақида гап кетганда, беихтиёр собиқ тузум давридаги аччиқ хотиралар ёдга тушади. Чунки ўша пайтлардаги раҳбарларнинг ҳайбаракаллачилиги, асоссиз кўрсатмалари бечора деҳқоннинг мадорини қуритган эди. Салқингина хизмат хонасида ўтириб олган "катталар" иссиқ тафтидан пешонаси терга ботган деҳқонни истаган кўйга солиб, меҳнат қилишга ундашарди. Дала шийпонларида кузатиладиган бир ҳолат менга қаттиқ таъсир қилган: одамлар оиласи билан кўрпатўшак қилиб ана шу жойларда истиқомат қилишар, ҳамманинг фикру хаёли пахта етиштиришда эди. Чақалоқлар ҳам худди шу ерларда вояга етарди. Ғўзага сепилаётган заҳарли кимёвий воситалар оналарга, гўдакларга салбий таъсир қилиши, унинг асоратлари кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, афсуски, кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмасди.

Манфаатдорлик-чи? Ачинарлиси, деҳқон қилган меҳнатига яраша кўнгилдагидек рағбатлантирилмасди. Рўзғор деганиям шунга яраша амал-тақал ўтиб турарди. Бундай аҳволда данғиллама уй қуриш, машина олиш туш кўришдек гап эди. Яратганга минг бор шукрки, юртимиз мустақиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда янги корхоналар барпо этилди. Натижада соҳани ривожлантириш суръатлари ошди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 119,1 миллиард сўмни ташкил этиб, 1996 йилга нисбатан 111,7 миллиард сўмга ортди. Вилоятда озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Марвел Джус Ко", "Нестле-Ўзбекистон", "Бунёд", "Муслим-Текс", "Голден-Фрут" қўшма корхоналари, "Муштарий", "Намангантекстиль", "Мехмаш" акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал сувлар, турли хил консерва, тўқимачилик маҳсулотлари, спорт анжомлари, электрон тарозилар ва бошқа шу каби маҳсулотларга бугун талаб катта.

Чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига замонавий жиҳоз ва ускуналар, илғор технологияларга эга бўлган "Попфен", "Силк-Роад", "Селин Текстиль", "Син Нам", "Ас Шах", "Исковут Текс" ва "Мармар Ф" каби йирик қўшма корхоналар барпо этилгани ҳам вилоят иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва транспорт тармоғида нодавлат секторнинг салмоғи 100 фоиз, саноат тармоғида нодавлат секторнинг улуши 98 фоиз, савдода 99,1 фоиз, маиший хизматда 98,2 фоизга етди. 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, олинган фойда миқдори 4003,8 миллион сўмни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам бир қанча ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Давлат тизимидаги хизмат кўрсатиш корхоналари тўла-тўкис нодавлат мулк шаклига айлантирилиб, хусусий сектор ривож топди. Бугунги кунда вилоятда 2866 та савдо шохобчалари мавжуд бўлиб, улардан 7 таси оммавий ва 2859 таси хусусий мулк шаклидаги шохобчалардир.

Албатта, ҳар қандай мамлакатнинг ҳам тараққий этишида халқаро алоқалар муҳим ўрин эгаллайди. Шу маънода олиб қараганда, йил сайин хорижий давлатларнинг юртимиз билан савдо-иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилиш истаги тобора ортиб бормоқда. Чунки Ўзбекистонда инвесторларнинг барқарор фаолият олиб бориши учун ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий жиҳатдан барча шароитлар яратиб берилган. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида вилоятда ташқи иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилди. Айниқса, Россия Федерацияси, Хитой, Германия, Италия, Туркия, Англия, Япония, Швейцария, Голландия, Испания, АҚШ, Канада, Франция ва бошқа мамлакатлар инвесторларининг вилоятга бўлган қизиқиши катта. Ана шу давлатлар сармоядорлари иштирокида Наманган вилоятида 69 та корхона барпо этилган.

Хусусан, пахта толасидан ип калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон-Литва "Клайна Текстиль", сочиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон-Хитой "Бунёд", қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи Ўзбекистон-Лихтенштейн "Чуст Голден Фрут", ип калава ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Кипр "Сал Нам Текс" қўшма корхоналари маҳсулотлари қатор хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Юртбошимиз ўз чиқишларида бир иборани кўп бор таъкидлайдилар: "Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун". Мана шу пурмаъно даъватнинг замирида нима ётганлигини, унинг амалдаги исботини ҳам ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Яъни, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашга давлатимиз раҳбарияти томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилашга қаратилган Фармони талабларини юзага чиқариш мақсадида вилоятда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, 1990 йилгача вилоятда 1480 километрга газ тармоқлари тортилган эди, холос. Агарда истиқлолга эришгунимизга қадар 95,8 минг хонадон газлаштирилган бўлса, мустақиллик даврининг ўзида 183,7 мингдан зиёд хонадонга зангори олов кириб борди. Ёки ичимлик суви масаласини олайлик. Вилоятда энг йирик объект бўлмиш Учқўрғон-Наманган сув узатиш иншооти қисқа вақт ичида фойдаланишга топширилди. Мазкур сув тиндириш ҳавзасининг сиғими 125 минг куб метр, узунлиги эса 37 километр бўлиб, иншоотнинг ишга туширилиши билан Уйчи, Чортоқ, Наманган туманлари ва Наманган шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда вилоят аҳолисига 5,1 мингга яқин малакали врачлар, 20,8 мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Ҳар 10 минг аҳолига 24,4 нафар врач, 101,2 нафар ўрта бўғин тиббиёт ходими тўғри келади. Вилоятда 13525 ўринга эга бўлган 105 та шифохона, улар қошида 40 та кундузги стационар, амбулатория-поликлиникалар қошида 237 та кундузги шифохоналар хизмат кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугун нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда ҳам ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда илм олиш бахтига муяссар бўлишмоқда. Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилаётган муҳташам мактаб, коллеж бинолари ёшларни ўз бағрига олмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга ошириш мақсадида вилоятимизда 1998-2005 йиллар мобайнида 50770 ўринли касб-ҳунар коллежлари 9200 ўринли ётоқхонаси билан ҳамда 4 та 3200 ўринли академик лицейлар 276 ўринли ётоқхонаси билан баркамол авлод ихтиёрига берилди. Миллий Дастурнинг иккинчи босқичида белгиланган вазифаларни бажаришда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Наманганда 72 та коллеж, 4 та академик лицей, 1 та лицей-интернат фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўқувчилар 104 та мутахассислик йўналишида таҳсил олмоқда. Мен ана шу ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи сифатида Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган сўзлари, албатта, рўёбга чиқишига амин бўламан.

Кўпинча ойнаи жаҳон орқали мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқларини кўрсатишади. Ғолиб ҳамюртларимизни Ўзбекистондан деб таништиришганда, улар шарафига давлатимиз мадҳияси янграганда, байроғимиз баланд кўтарилганда қаттиқ ҳаяжонланаман. Менимча, бундай қувончдан ҳар бир юртдошимиз фахрланиб, ғурур ҳиссини туйса керак. Албатта, ҳар қандай давлатнинг ҳам ана шундай муваффақиятга эришиши учун, аввало, унга пухта замин яратилган бўлиши керак. Эътиборли жиҳати шундаки, бизда мана шу масалага ҳам давлат сиёсати даражасида аҳамият берилади. Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган.

Жумладан, Наманган вилоятида ҳам халқаро андозаларга тўла жавоб бера оладиган спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда. "Паҳлавон", "Алпомиш", "Ёшлар" спорт мажмуалари, "Дўстлик" теннис корти, Наманган туманида 15 минг ўринли стадион, Уйчи тумани Қизилравот қишлоғида "Соғлом авлод", Тўрақўрғон туманида "Кураш" спорт майдони, Норин ва Янгиқўрғон туманларида 300 ўринли, Чуст ҳамда Чортоқ туманларида 400 ўринли 4 та болалар спорт мажмуалари қуриб фойдаланишга топширилди. Қолган туманларда ҳам ана шундай объектларни барпо этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Вилоятда 2 нафар жаҳон чемпиони, 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 10 нафар спорт устаси, 195 нафар спорт усталигига номзод ва бошқа спортчилар тайёрланди. Фақатгина 2005 йилнинг ўзида кўплаб республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар бўлиб ўтди. Унда вилоят спортчилари 2 та жаҳон, 6 та Осиё биринчиликлари, 3 та халқаро турнир, 70 та республика мусобақаларида қатнашиб, 185 та олтин, 242 та кумуш, 310 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Хуллас, ижобий ўзгаришлар иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кузатилмоқда. Энг муҳими, карвонимиз ўз мақсади сари дадил бормоқда. Бунда тинчлик, тотувлик, барқарорлик, бунёдкорлик, поклик, қатъиятлик таянч ва мададкор бўлмоқда. Мана шундай улуғвор ишларни яна давом эттиришда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин! Ниятимиз, жаннатмакон юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Ойшахон ҚЎЧҚОРОВА,
Республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Наманган филиали гинекология бўлими мудири, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

Наманган деганда мен заҳматкаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди бақувват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман.

Ислом КАРИМОВ

Рақамлар сўзласин

**** Наманган вилоятининг умумий ер майдони 7,44 минг квадрат километрни ташкил этади. Аҳоли сони 2 миллион 109 минг 500 нафар. Шундан шаҳарда 633,5 минг, қишлоқда эса 1476 минг киши истиқомат қилади.***

**** Вилоятда 89 миллат вакиллари яшайди.***

**** Истиқлолга эришгунимизга қадар вилоятда 95,8 минг хонадон газлаштирилган бўлса, мустақиллик даврининг ўзида 183,7 мингдан зиёд хонадонга зангори олов кириб борди.***

**** Ҳозирги пайтда вилоятда 11500 дан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар ихтиёрида 180 минг гектар ер майдони бор. Ишловчилар сони 65,2 минг кишини ташкил этади.***

**** Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра вилоятда 168 та акциядорлик жамияти, 6112 та хусусий корхона, 67 та қўшма корхона, 3344 та бошқа мулк эгалари фаолият кўрсатмоқда.***

**** Мустақиллик йилларида Фарғона водийсини республикамиз пойтахти билан боғлаб турувчи Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ довонида узунлиги 358 ва 891 метрдан иборат иккита тоннел қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

**** Вилоятда 13525 ўринга эга 105 та шифохона, улар тасарруфида 40 та кундузги стационар, амбулатория-поликлиникалар қошида эса 237 та кундузги шифохоналар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.***

**** Наманганда 72 та коллеж, 4 та академик лицей, 1 та лицей-интернат фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўқувчилар 104 мутахассислик йўналишида таҳсил олмоқда.***

**** Вилоятда 412 та оммавий кутубхона, 167 та маданият муассасалари, 40 та кинотеатр, 104 та жамоатчилик музейлари, 3350 ўринли амфитеатр, "Паҳлавон", "Алпомиш", "Ёшлар" спорт мажмуалари, "Дўстлик" теннис корти, Наманган туманида 15 минг ўринли стадион, Уйчи тумани Қизилравот қишлоғида "Соғлом авлод" ва Тўрақўрғон туманида "Кураш" спорт майдонлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.***

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти тадбирларни доимо бугунги кун билан ҳамоҳанг тарзда олиб боради. Масалан, яқинда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ҳам ўзининг 2006-2010 йилларга мўлжалланган экотуризмда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди.

Гўзал табиатга чорловчи марафон

Дастур доирасидан бир қанча тадбирлар ўрин олган бўлиб, шулардан бири "ЭКОСАН-ТУР" халқаро экологик туризм маркази билан ҳамкорликда июль-август ойларига мўлжалланган "Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида" шиори остидаги экофестиваллар марафонидир. Уни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқларни, шунингдек, юртимизнинг сайёҳлик, экосайёҳлик салоҳияти ва имкониятларини оммага кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Ўтган ҳафта якунида пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ана шундай экофестивалларидан бири бўлиб ўтди.

Унда ташкил этилган кўргазма орқали мамлакатимизнинг гўзал ва бетакрор табиатини очиб берувчи ҳамда тарихий ва архитектура аҳамиятига эга бўлган турли экспонатлар, халқ ижодиёти намуналари, фотоэкспозициялар, бадиий асарлар, плакатлар намойиш этилди. Шунингдек, "ЭКОСАН-ТУР" халқаро экологик туризм марказининг экотуристик йўналишлари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, марказ томонидан уюштирилажак мазкур саёҳат йўналиши давомида иштирокчилар Чимён, Чорвоқ, Белдерсой, Далварзин, Нурота, Зомин каби юртимизнинг гўзал табиатини ўзида мужассам этган кўплаб хушҳаво гўшаларга бир неча кунлик саёҳат қилиш имконига эга бўлишади.

Қизиқарли ва таъсирчан ўтган экофестиваль эл севган санъаткорларнинг концерт дастури билан ниҳоясига етди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Президентимизнинг жорий йил 26 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-335-сонли қарорида "Mulkdor" газетасини "Биржа" газетасига айлантириш ҳам белгиланган эди.

«Биржа» газетаси ўқувчилар қўлида

Қарор ва ижро

Бундан кўзланган мақсад айни интеграция-глобаллашув жараёнида мамлакатимиз иқтисодий ҳаётини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, қолаверса, жаҳон бозорига янада яқинлашуви учун республикамиз товар, қимматли қоғоз ва кўчмас мулк бозорларига оид, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, ахборотлар тарқатиш ҳамда иқтисодий жараён хусусида таҳлилий мақолалар ёритишга ихтисослашган ахборот воситасининг алоҳида ўрни бор.

Шунга кўра, ўтган вақт мобайнида "Mulkdor" иқтисодий газетаси негизида "Биржа" республика иқтисодий газетасини ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилди ва "Биржа" республика иқтисодий газетаси ёпиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди. Нашрнинг асосий таъсисчислари — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, республикамиздаги барча биржалар, шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясидир. Янги номдаги мазкур нашрда иқтисодий-таҳлилий мақолалар, жаҳон иқтисодиётидаги энг сўнгги ўзгаришлар, шунингдек, тармоқ биржаларининг котировкаларига катта ўрин берилади. Айни пайтда таҳририятнинг кадрлар базаси шакллантирилмоқда. Уларнинг ихтисослашиши ва малакасини оширишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда таҳририятнинг моддий-техникавий салоҳияти кучайтирилди.

Айтиш жоизки, газетанинг географик қамровини кенгайтириш мақсадида мақолалар, реклама ва эълонлар ўзбек ва рус тилларида бериб борилади. Ўтган ҳафта, аниқроғи, 7 июль куни "Биржа" республика иқтисодий газетасининг биринчи сони ўқувчилар қўлига тегди. Эслатиб ўтамиз, "Биржа" республика иқтисодий газетаси "Mulkdor" иқтисодий газетаси негизида ташкил этилгани учун "Mulkdor" обуначилари эндиликда янги номдаги нашрни муаммосиз ўқишади.

«Халқ сўзи» назоратида

«Имкониятлар бору, самара кам» («Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 18 май) сарлавҳали мақолада Бухоро вилоятида иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин тутадиган хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастурининг бажарилиши ва бу борадаги муаммолар ҳақида фикр юритилган эди. Мазкур мақола юзасидан Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари О.ЖУМАЕВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда таъкидланишича,

Самара ҳам бўлади

«Мақола мутасадди ташкилотлар, тегишли корхоналар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилган. Унда Бухоро шаҳридаги «Р.Ш.Рахматова-зардўз» масъулияти чекланган жамиятга имтиёзли кредит ажратиш масаласи ҳал қилинмаётганлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, ҳақиқатан ҳам талабгор иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50,0 миллион сўм имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилган.

Унга «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш» тартибига мувофиқ зарурий ҳужжатлар банкка тақдим қилиниши тўғрисида хат берилган.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан барча корхона, ташкилотлар, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган».

Резолюция қабул қилинадими?

Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада Шимолий Корея баллистик ракеталарини синовдан ўтказганди. Расмий Пхеньянинг бундай йўл тутиши халқаро ҳамжамиятни хавотирга қўйди. Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгашида Шимолий Кореянинг ракета синовига қарши жазо чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш мақсадида норасмий маслаҳатлашувлар бошланди.

Дипломатик манбалардан бирининг хабар беришича, якшанба куни кечқурун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари Япония иштирокида учрашиб, резолюция лойиҳасини муҳокама этишган. Бироқ улар Шимолий Корея масаласида бир қарорга келиша олишмаган.

Ўтган жума куни Япония АҚШ, Франция ва Буюк Британия билан биргаликда БМТ Хавфсизлик Кенгашига Шимолий Кореяга нисбатан санкция қўллаш лойиҳасини тақдим этганди. Бироқ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари Россия ва Хитой расмий Пхеньянга нисбатан ишлаб чиқилган резолюция лойиҳасига ўз қаршилигини билдиришмоқда. Бу икки давлат расмийлари Шимолий Кореяга нисбатан қўлланиладиган тезкор ҳар қандай жавоб Шарқий Осиёдаги барқарорликка раҳна солиши мумкин деб ҳисоблашмоқда.

АҚШ Давлат котибининг сиёсат масалалари бўйича ўринбосари Николас Бернс Жорж Буш маъмурияти мазкур резолюция лойиҳаси яқин икки-уч кун ичида овозга қўйилишини кутаётганлигини билдирди.

Нефть нархи ошмоқда

РИА «Новости»нинг хабар беришича, нефть нархи яна ўсишда давом этмоқда. Нью-Йорк товар-хомашё биржасида бир баррель нефтнинг нархи рекорд даражага етди, яъни 75,78 долларга баҳоланди. Иқтисодий кузатувчиларнинг сўзларига қараганда, «қора олтин» нархидаги ўзгаришга Эроннинг ядровий дастури атрофида бўлаётган турли машмашалар сабаб бўлмоқда.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Синов муваффақиятсиз тугади

Ҳиндистонда ўтган якшанба куни «Агни-3» баллистик ракетаси синовдан ўтказилди, дея хабар тарқатди The Hindu газетаси. Расмий манбада таъкидланишича, 3,5-4 минг километр масофагача ҳаракатлана оладиган мазкур ракета синови муваффақиятсиз якунланган. У 12 километр баландликкача кўтарилган, бироқ белгиланган нишонгача етиб бора олмай, Бенгал қўлтиғига қўлаб тушган.



Шунга қарамай мамлакат мудофаа вазирлиги расмий вакили синов кутилган самара билан якунланганини, ҳозирда натижалар таҳлил қилинаётганлигини билдирди. Айни пайтда Ҳиндистон армияси 800 километр радиусли «Агни-1» ва 200 километрлик нишонни йўқ қилишга қодир «Агни-2» ракеталарига эга.

Самолёт ҳалокати

«Сибирь» авиакомпаниясига тегишли А-310 самолёти шанбадан якшанбага ўтар кечаси Москвадан Иркутскка рейсни амалга ошираётган пайтда ҳалокатга учради. Сўнгги маълумотларга қараганда, 122 киши ҳалок бўлган, 70 дан ортиқ йўловчи қутқариб қолинган. Самолёт бортида 203 нафар одам бўлган, шундан 8 нафари экипаж аъзоларидир.

Жабр кўрганларнинг яқинлари самолётда Москвадан Иркутскка келтирилди. Турли манбаларда келтирилишича, тўхтатиш механизми ишдан чиққанлиги сабабли авиаҳалокат юз берган бўлиши мумкин. Мамлакат транспорт вазири Игорь Левитин бошчилигида тузилган ҳукумат комиссияси айни пайтда фожиа сабабларини ўрганмоқда.

Мехико кўчаларида намойиш

Бундан бир ҳафта олдин Мексикада мамлакат президентлиги учун сайловлар бўлиб ўтган эди. Сайловдан бир кун ўтиб, икки номзод — Демократик инқилоб партиясидан Андреас Мануэл Лопес Обрадор ва Миллий ҳаракат партиясидан Филипп Кальдерон натижалар ҳали эълон қилинмасдан ўзларининг ғалаба қилганлигини эълон қилишганди. Кунигеча Марказий сайлов комиссияси расмий натижаларни эълон қилди. Бунга кўра, Лопес Обрадор 35,31 фоиз овоз тўплаб, сиёсий рақиби Фелип Кальдеронга (35,88) жуда кичик фарқ билан ютқазиб қўйди.

Расмий натижалар эълон қилингандан кейин мамлакат пойтахти Мехико кўчаларида оммавий норозилик намойишлари бошланиб кетди. Кузатувчиларнинг сўзларига қараганда, намойишда 100 минг нафардан кўпроқ аҳоли иштирок этмоқда. Улар сайлов бюллетенини қайта санаб чиқилишини талаб қилишмоқда.

Суд бошланди

Кеча Гаага халқаро судида Слободан Милошевич даврида юқори лавозимда ишлаган 6 нафар Сербия сиёсатчи устидан суд жараёни бошланди. Айбланувчилар орасида Сербиянинг собиқ президенти Милан Милутинович, бош вазир ўринбосари Никола Саинович ҳам бор. Уларнинг барчаси 1990 йилларда Косовода амалга оширилган ҳарбий жиноятларни содир этганликда гумон қилинаяпти.

Кимё заводида ёнғин

РИА «Новости»нинг «Синхуа» ахборот агентлиги берган маълумотга таяниб тарқатган хабарида айтилишича, Хитойнинг шимолий ҳудудида жойлашган кимё заводида ёнғин юз берди. Маълумотларга қараганда, 164 киши заҳарланган. Ҳозирда уларнинг барчаси шифохонага ётқизилган. Кеча ерталаб тилсиз ёв бартараф этилди. Бироқ манбада мазкур ҳалокат ҳақида батафсил маълумотлар келтирилмаган.

Расмий маълумотларга қараганда, жорий йил бошидан буён Хитойда атроф-муҳитни ифлослантирувчи ёки аҳолини заҳарловчи 80 та ҳолат қайд этилган. Уларнинг аксариятини портлаш ёки кимёвий заводдаги фавқулодда ҳолатлар ташкил қилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Газеталарни варақлаганда — ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 8 июль.
Муҳаммаджон Исомиддинов, Муталиб Ҳасанов «Навтаками, Ксениппами ёки Накшанийа?»:

«Қарши шаҳри ҳақидаги яна бир муҳим маълумотимиз унинг энг қадимги номи тўғрисида. Биз юқорида келтирганимиздек, унинг номи кўп ўзгарган. Бундан бир-икки йил илгари исроиллик Шакет Шаул деган олима қадимги оромий ёзувларида Накшанийа деган ном борлигини аниқлаган. Агарда бу фикр кўпчилик томонидан тан олиниб исботланса, унда Қаршининг номи энг қадимги даврлардан бошлаб Накшанийа — Нахшаб — Насаф шаклида ривожланиб келганлиги маълум бўлади».

«Ишонч» 8 июль.
Рустам Қурбонов «Йўл. Йўлчи. Йўлбон»:

«Шу вақтгача йўловчини манзилга етказишу тегишли пулни олиш қайғусида бўлган ҳайдовчи эндиликда ўз машинасига миндирилган йўловчининг хавфсизлиги, саломатлиги, унга яратиладиган шароит учун тўла жавобгардир. Йўловчи автотранспорт хизматидан фойдаланиш жараёнида ҳайдовчининг олдига ана шундай қонуний талабларни қўйишга ҳақли».

«Туркистон» 8 июль.
Келдиёр Тўлиев «Ҳисобли дўст айрилмас»:

«Ахир қарздорлик ҳеч кимга ёқмайди. Эрта-индин билан кунлар ўтиб фалон сўм бўлганда на ширкат, на таъминотчи, на хонадон эгаси хурсанд бўлмайди. Барчамиз уйимизни умумий мулкимиз деб қарасак, муаммоларга ҳам ўрин қолмасди».

«Маърифат» 8 июль.
Турсуной Содиқова «Дунё буюк ўқувхонадир»:

«Гоҳо раҳм-шафқатни ҳам меъёридан ошириб юборамиз. Қайсидир ўқитувчининг касбига бутунлай номуносиб эканлигини ҳамма кўриб турса ҳам, ундан фақат зиён етиб турса ҳам, дарҳол баҳридан ўтолмаймиз: болали деймиз ё аёл деймиз, бева деймиз ё... фалончига қарашли деймиз ва ҳоказо. Унинг уч ё тўрт боласига қайғурамиз, аммо юзлаб халқ фарзандларининг билими, тарбияси, тақдирини қўзичоқни бўрига топширгандай уларнинг қўлига топширамиз!»

«Қадрият» 8 июль.
Обиджон Аминов «Маънавиятимизнинг муаззам қатламлари»:

«Раҳбарлик ишини ташкил қилишда ҳадислар муҳим йўналтирувчи манбалардан биридир. Чунки, халқимизнинг маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига ҳадислар ғоявий сингиб кетган. Агар раҳбар ҳадислардан хабардор бўлса, одамлар билан тез тил топишади. Одамлар менталитетига мос муносабатда бўлаётган раҳбарга қулоқ тутади, у билан ҳамкорликка интилади ва кўрсатмаларга сўзсиз итоат этади».

«NG SERVICE» МЧЖ
Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.
Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.
Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.
Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz
Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

БОЛАЛАРНИНГ МЕҲР ДУНЁСИ

Паркент туманида "Мафтункор ранглар дунёси" анъанавий кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.

Унда жисмоний имкониятлари чекланган 63 нафар ўғил-қизнинг она-Ватанга муҳаббат, табиат, ҳайвонот ва наботот оламига меҳр, умрбоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳи билан йўғрилган ижодий машқлари намойиш этилди.

Чирчиқлик Асал Дўсматова, чинозлик Зуҳра Анварова, қибрайлик Александра Платнокова, паркентлик Умида Худойберганова, янгийўллик Нодира Холдорова, бўстонлиқлик Вераника Тен, ўртачирчиқлик Умид Аҳмедовнинг ижодий ишлари юқори баҳоланди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимизда фармацевтика соҳасида юздан ошиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бир қисми хорижда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни импорт қилиш билан шуғулланса, бошқа бир қисми Ўзбекистонда маҳаллий воситалардан фойдаланган ҳолда дори-дармон воситаларини ишлаб чиқармоқда. Мазкур корхоналарни бир-биридан ажратиб турувчи хусусият — дунё стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришларидир.

NOBEL PHARMSANOAT

«Нобел Фармсаноат»:

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН — ЭКСПОРТГА

Туркиянинг "Nobel İlaç A.Ş." фирмаси инвестицияси асосида ташкил этилган "Нобел Фармсаноат" чет эл корхонаси эса мамлакатимизда дунё стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни ички бозорга тақдим этиш билан биргаликда, экспортга ҳам юборувчи жиддий фармацевтика корхоналаридан бири ҳисобланади.

"Nobel İlaç A.Ş." нинг халқаро инвестициялари

"Nobel İlaç San. Ve Tic. A.Ş." – Туркия фармацевтика саноатининг улкан фирмаларидан бири. Қирқ йилдан бери дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқараётган мазкур фирма бугунги кунда бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда замонавий ишлаб чиқариш, маркетинг ва хомашё таъминоти тизимига эга. Россия, Германия, Швейцария, Украина, Болгария, Руминия, Қозоғистон, Ўзбекистон каби бир қатор мамлакатларда унинг ваколатхоналари ва шўъбалари мавжуд. "Nobel İlaç A.Ş." фирмаси халқаро GMP ve GLP сифат сертификатларининг соҳиби бўлиб, ҳозирда FDA сертификатига ҳам эга бўлиш учун ҳаракат қилмоқда.

«Нобел Фармсаноат"

"Nobel İlaç A.Ş." юқори малакали махаллий мутахассислар фаолият кўрсатадиган ва маҳаллий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиладиган бир тизимда юқори сифатли дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш ва минтақадаги ўлкаларга экспорт қилиш мақсадида 2000 йилнинг август ойида "Нобел Фармсаноат" корхонасини ташкил этган эди. Мамлакатимизда олти йилдан бери муваффақият билан фаолият кўрсатаётган ва бугунги кунда 150 дан ортиқ малакали мутахассис меҳнат қилаётган "Нобел Фармсаноат" маҳсулотлари мутахассислар ва шифокорларнинг эътиборини қозонган. "Даволашда устун муваффақият" шиори остида фаолият юритаётган, маҳсулот сонини тобора кўпайтириб бораётган бу корхона 2005 йилдан эътиборан ўз маҳсулотларини қўшни ўлкаларга ҳам экспорт қила бошлади.

Ишлаб чиқариш

"Нобел Фармсаноат" ишлаб чиқариш тизими Италия, Германия ва Японияда келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бугунги кунда бу ерда таблетка, капсула, инъекция кукуни, суртма малҳам ва сироп шаклидаги дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада маҳаллийлаштириш даражаси юқори даражада бўлиб, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган воситаларнинг кўпи маҳаллий манбалардан таъминланмоқда.

Бугунги кунда корхона антибактериал, замбуруғларга қарши, гипогликемид, яллиғланишга қарши, гиполипидемик, антигипертензив, антидепрессант, антиаллергик, бронхларни кенгайтирувчи, ППИ ва оғриқ қолдирувчи каби гуруҳларга мансуб дори-дармонларни ишлаб чиқармоқда. У йилига беш миллион қути маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бироқ тўла қувватга ҳали эришилгани йўқ. Шу йилнинг охирига қадар йилига икки ярим миллион қути маҳсулот тайёрлаш қувватига эришиш мўлжалланаяпти.

Айни кунларда "Нобел Фармсаноат"да ўн саккиз тур ва ўттиз беш хил кўринишда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Барча маҳсулотлар мутахассислар томонидан илиқ қарши олинмоқда. Йил охиригача йигирма саккиз тур ва элликдан ортиқ кўринишда маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Сифат назорати

Корхонанинг сифат назорати бўлимида ишлаб чиқариш жараёнининг хомашёдан оралиқ маҳсулотгача ва тайёр маҳсулотдан то қути сифатигача бўлган барча босқичлари қатъий назорат қилинмоқда. Фирманинг лабораторияси Япония ва Германияда ишлаб чиқарилган юқори аниқликдаги ўлчов ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда дунё сифат стандартларига (BP, USP, JP ва ҳ.к.) кўра сифат ва миқдор таҳлиллари амалга оширилади. Хроматографик, спектрофотометрик кўрсаткичларга кўра, дори воситаларининг эриш, парчаланиш (инсон меъдасидагига ўхшаш муҳит ташкил қилиш орқали) кўрсаткичлари текширилади. Шунингдек, аҳолининг маълум бир дори воситасига бўлган талаби ва эҳтиёжи таҳлил қилиниб, талабга мос дори воситалари расмий рухсатдан ўтказилади, уларнинг биоэквивалентлик ва клиник таҳлиллари амалга оширилади. Аҳамиятга молик яна бир жиҳати –сохталаштиришдан ҳимоялаш мақсадида барча маҳсулотлар махсус голограммали қутиларда ишлаб чиқарилади.

Маркетинг

"Нобел Фармсаноат" Ўзбекистонда биринчи бўлиб мутахассислар билан ишлашнинг замонавий усулини, яъни тиббий вакиллар воситасида ишлаш усулини қўллади. Мазкур иш усули дунёда янги ва самарали усул сифатида эътироф этилган. Ҳозирда мамлакатимизнинг барча вилоятларида корхонанинг ўз тиббий вакиллари (уларнинг жами сони тўқсондан ортиқ) мавжуд. Маркетингнинг бундай усули шифокорларга ва мутахассисларга дори воситасининг таъсирлари ва қўлланилиши ҳақидаги маълумотларни тезкор етказишга имкон беради, шифокорнинг бу борадаги маълумотларининг ошишига ёрдамлашади ҳамда мутахассис тажрибасини "биринчи манба"дан ўрганишга йўл очади.

Бўғим оғриқларини даволашда қўлланиладиган "Мелбек" дори воситасининг янги хусусиятлари Тошкент тиббиёт академияси мутахассислари томонидан татбиқ қилинишини бунга мисол қилса бўлади. Натижада ҳайвонларда клиник синов вақтида дори моддасининг бош мияга қон қуйилиши билан боғлиқ касалликларда фаол ишлатиш мумкинлиги тасдиқланди. Бу янгилик ўз-ўзидан мазкур модда устида ишлар олиб борувчи корхонанинг янги тадқиқотларни бошлашига йўл очди.



Экспорт

Фаолият соҳаси ва ишлаб чиқариш кенгайиши жараёнида "Нобел Фармсаноат" мутахассислари "Made in Uzbekistan" тамғали маҳсулотларнинг Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистонга экспорти нуқтаи назаридан ҳам ишлар олиб бордилар. Ўтган йили Афғонистонда ва Тожикистонда бир қатор дори воситалари расмий қайд этилиб, Афғонистонга илк маҳсулот экспорт қилинди. Бу йил эса экспорт ҳажми янада ошди. Шу кунларда Тожикистонга ҳам маҳсулот юборилаяпти. Туркманистондаги расмий қайд жараёнлари давом этмоқда, 2006 йилнинг охиригача бу мамлакатга ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган.

Ижтимоий фаолият

"Нобел Фармсаноат" тиббиёт ва фармакология соҳалари билан алоқадор турли-туман анжуманларда, халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. Шу йилнинг баҳорида бўлиб ўтган "Pharmacy/Pharmtech 2006-Uzbekistan" кўргазмаси, пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида ташкил этилган, "Этодин форте" номли янги дори воситасининг тақдимотига бағишланган "Оғриқ синдромларини даволашнинг замонавий усуллари" мавзусидаги илмий-амалий анжуман, тери-таносил касалликлари мутахассисларининг семинари каби тадбирлар бунинг далилидир.

Шунингдек, корхона "Ўзбекистон" радиосида турли касалликлар ва сохталаштирилган дори воситаларидан ҳимояланиш йўллари ҳақида маълумот берувчи махсус "Тез ёрдам" дастурининг ташкилотчиси ва ҳомийси ҳисобланади.

Шифокорлар ва қизиққан кишилар **www.nobel.uz** интернет-сайтидан корхона фаолияти ва маҳсулотлари ҳақида зарур маълумотларни олишлари мумкин.

Даволашда устувор муваффақият

"Даволашда устувор муваффақият" шиори корхонанинг қанчалар жиддий ва устувор мақсадлар йўлида меҳнат қилаётганини кўрсатиб турибди. Олти йиллик муваффақиятли фаолияти давомида эришилган ютуқларни янада орттириш ва янги зафарларга эришиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган "Нобел Фармсаноат" корхонаси бундан буён ҳам ўз хизматларини мамлакатимиз аҳлига тақдим этаверади.

ИСТИҚЛОЛ — САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Гапингиз тўғри, Абдулла ака, халқимизнинг озодлигини, истиқлол йилларида эришган ютуқларини кўролмаётган, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солишга уринаётганлар ҳамон учрайди.

— Биз мустақилликка эришдик. Аммо, истиқлолимизни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кураш — муттасил давом этадиган ўта масъулиятли ва мураккаб жараён. Бу йўлда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, давлатимиз раҳбари атрофида жипслашиб, эришган ютуқларимизни мудом мустаҳкамлаб боришимиз керак. Бу иш маънавиятни шакллантириш учун масъул касб эгалари, хусусан, қалам аҳли зиммасига ҳам улкан вазифалар юклайди.

Айниқса, Ватанимизни халқаро майдонда атайлаб обрўсизлантиришга уринаётган айрим хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан халқимиз шаънига отилаётган маломат тошларига ўз вақтида муносиб жавоб бериш — бурчимиз.

Мустақиллик — ҳеч иккиланмай жонни ҳам тикадиган қутлуғ қурашдир. Бу қурашга отланган инсон, аввало, кўнглидаги ғаразни, адовату майда манфаатларни чиқариб ташламоғи лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, бугун биз учун мустақил Ўзбекистон манфаатидан кўра улкан ва муҳим манфаат йўқ.

Юртбошимиз айтганидек, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Фақат баъзан бизга панд берган иллатлардан халос бўлмоғимиз керак. Тарихдан маълум, маҳаллийчилик, бефарқлик, мансабу бойлик талашиш, порахўрлик, эл-юрт манфаатидан кўра ўзининг майда манфаатларини устун қўйиш каби иллатлар туфайли халқимиз, миллатимиз парокандаликка учраган. Қирғин-барот бўлиб, эл-юрт бошига мустамлака бўйинтуруғи тушган. Мен халқимизни доим бирдам ва ҳамжиҳат кўришни истайман. Зеро, бўлинганни бўри ер, деган гап бежиз айтилмаган. Хорижда пайт пойлаб ётган кучлар бизнинг ана шундай ожиз жойларимизни мўлжаллаб зарба беришга — бўлаклаб ташлаб, ўз йўриғига юритишга, бойликларимизга эгалик қилишга уринади. Ақлли миллат тарихдан сабоқ чиқариб яшайди.

— Гап тарихга бориб тақалар экан, бу йил юбилейлари кенг нишонланадиган қадимий шаҳарларимиз — Қарши ва Марғилонни, шунингдек, Маъмун академиясини четлаб ўтолмаймиз...

— Дарҳақиқат, бундай шодиёналарнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг пок номларини тиклаш ва бой меросини ўрганиш, қадимий шаҳарларимизни янада ободонлаштириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самарасидир.

Истиқлол йилларида биз эски тузум даврида муборак номлари забунликка маҳкум этилган қанчадан-қанча буюк аждодларимизнинг хотирасини тикладик. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ табаррук жойларни обод этдик. Маънавий меросини чуқур ўрганишга киришдик.

Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби қадимий шаҳарларимиз, "Авесто", "Алпомиш" сингари маънавиятимиз умрибоқий дурдоналарининг юбилейларини кенг нишонладик. Ибн Сино, Беруний каби буюк алломалар ижод қилган, башарият тарихидаги энг қадимий байт-ул ҳикматлардан бири бўлмиш Маъмун академияси қайта тикланди. Энди эса унинг минг йиллик юбилейини нишонлаяпмиз. 2700 ва 2000 йиллик тўйларига ҳозирлик кўраётганимиз Қарши ва Марғилон ҳам нафақат мамлакатимиздаги, балки дунёдаги энг қадимий шаҳарлардандир.

Ўз вақтида Қарши узоқ йиллар қалъа вазифасини ўтагани боис, унда катта қўшин тўпланган. Шунинг учун шаҳар аҳли жангу жадални кўп бошдан кечирган. Искандар Зулқарнайн, араблар ва мўғуллар босқини даврларида — уч марта қатлиом бўлган. Бугун шаҳарнинг қаерига кетмон урсангиз, суякка бориб тегади — ҳар қадамда хилхонага дуч келасиз.

Шаҳарда йирик илм ва таълим даргоҳлари қурилмаган бўлса-да, ўнлаб машҳур олиму адиблар етишиб чиққан. Уларнинг кўпчилиги ўзига фахр билан "Насафий" номини танлагани шундан далолат.

Мен ҳар гал Қашқадарёга борганимда кўнглим тоғдай ўсади. Қарши эса истиқлол йилларида мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Бу давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир. Шаҳарда сўнгги йилларда бунёд этилган ранг-баранг иншоотларни кўриб, Шоҳизинда турибди-ку! Шоҳизинда турибди-ку!..

Яқинда Қарши чўлида жойлашган "Шўртангаз" кимё мажмуида бўлдим. У ерда кеча қўй боқиб юрган чўпон болаларнинг бугун энг замонавий техника ва технологиялар билан тиллашаётганига табиий бир ҳол деб қаралади. Мажмуа атрофига миллионлаб дарахт экилган. Кўмкўк. Мавжланиб турган сунъий кўлни кўриб, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган сахроза эмас, баланд тоғларда юргандек ҳис қиласиз ўзингизни. Нафақат хонаю кабинетлар, ҳатто цехлар ҳам соя-салқин. Замонавий. Ишчи-хизматчилар эса қилаётган меҳнатидан рози. Меҳнатининг рағбати борки, ҳамма ўз ишини, юмушини меҳр билан бажаради.

Ҳақиқий меҳнат, яратиш билан машғул одамнинг маънавияти ҳам юксак бўлади.

"Ўзбекистоннинг нимаси бор?" деб шубҳаланадиганлар "Шўртангаз"ни бориб кўрсин. Асакадан чиқаётган автомобилларимизга ўтириб, жаҳон андазаларига мос йўлларимизу кўприкларимиздан юрсин. Муҳташам коллежларимиз, лицейларимиз, олий ўқув юртларимизу мактабларимиз, кўпдан-кўп шифо масканларимиз билан танишсин.

Шаҳар-қишлоқларимизда барпо этилган ва этилаётган бундай иморатларнинг ҳар бири — истиқлолимизга қўйилган бетакрор ҳайкалларидир.

— Президентимизнинг ташаббуси билан қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини юксалтириш борасидаги ишларга эътибор янада кучайди...

— Сурхондарё вилоятига борганимда қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрликнинг устидан чиқдим. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан кам таъминланган оилаларга биттадан соғин сигир берилиши, чорва моллари ва маҳсулотларини кўпайтиришга бевосита ҳисса қўшадиган юртдошларимизнинг меҳнати иш стажи сифатида ҳисобга олиниб, келгусида нафақа ҳам тўланиши белгилаб қўйилди.

Бу бир қаращда оддий воқеадек. Аммо масаланинг моҳиятига теранроқ разм солсангиз, ноёб адолатпарварлик ва улкан ғамхўрликнинг гувоҳи бўласиз.

Хитойликларда нақл борки, бировга балиқ пишириб берсанг, бир марта қорни тўяди, балиқ тутишни ўргатсанг бир умр фаровон яшайди. Оилага берилган ана шундай соғлом соғин сигир туфайли неча киши, айниқса, болаларнинг оғзи оққа — сутқатиққа тегади. Бунинг устига, ем-хашак, уруғ учун ҳукумат имтиёзли кредит берилишини ҳам кафолатлаб турибди.

Кам таъминланган оилаларга берилаётган сигирларнинг соғлом, соғин ва зотдор бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Термиз туманида ўтган шу мавзуга доир тадбирлардан бирида иштирок этдим. Ҳар бир сигирнинг бўйнига осиб қўйилган махсус тахтачага унинг неча ёшда эканлиги, қанча сут бериши, вазни, насли, ветеринар назоратидан қачон ўтганлиги — ҳаммаси қайд қилинган.

Баъзан бир кишининг қувониши ёки хафа бўлиши учун жуда катта сабаблар бўлиши шарт эмас. Кам таъминланганларга берилаётган ана шундай эътибор туфайли мамлакатимиздаги минглаб оилаларга қувонч ва қутбарака кириб боргани айни ҳақиқат.

Тарих сўқмоқларидан тагзамини темирдай мустаҳкам, кенг ва равон йўлга чиқдик. Халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистон заминида янги давлат пайдо бўлди. Бу эса ҳеч бир хазинага алмашиб бўлмайдиган, бебаҳо неъматдир. Истиқлолга эришган халқ бошидан кечириши табиий бўлган қийинчиликлар туш каби ўтадикетади. Лекин порлоқ ва жўшқин воқелик биз билан доим қолаверади.

Тамомила янги қадриятлар асосида янги ҳуқуқий давлат пойдеворини яратдик. Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, фаровонлаштиришга қаратилган мислсиз ислоҳотларни дадил давом эттирмоқдамиз.

Қулман ОЧИЛОВ суҳбатлашди. (ЎзА).

Баъзан бир кишининг қувониши ёки хафа бўлиши учун жуда катта сабаблар бўлиши шарт эмас.

"Ўзбекистоннинг нимаси бор?" деб шубҳаланадиганлар "Шўртангаз"ни бориб кўрсин.

Мустақиллик — ҳеч иккиланмай жонни ҳам тикадиган қутлуғ қурашдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

шахсий компьютерлар ва принтерларни етказиб бериш учун тендер эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб беш иш куни мобайнида қабул қилинади.

Тендерда иштирок этиш тўғрисидаги ариза шаклини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 700084, Ўзбекистон, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси.

Телефонлар: 134-42-96, ички: 22-38
Мулоқот қилувчи шахс — Ҳамроқулова Гўзал Раҳматхўжаевна.
www.nbu.com

МДҲда ЯГОНА ТИББИЙ ДИАГНОСТИК ТЕКШИРУВИ
64-КЕСИМЛИ МУЛЬТИСПИРАЛ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИ
1-СОН МКК КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯ БЎЛИМИ

мультиспирал компьютер томография текширувларини таклиф қилади:

- ички аъзо ва тизимлар текшируви;
- переферик томирлар текшируви;*
- юрак ва юрак-қон томирлар текшируви;*
- юрак ишемия касаллигининг келиб чиқиш хавфи даражасини аниқлаш;
- бош мия қон билан таъминланиши (перфузия) текшируви;*
- суякнинг минерал таркибини аниқлаш (остеопороз);
- йўғон ичак текшируви (виртуал колоноскопия).

* Контраст моддаси билан.

МУЛЬТИСПИРАЛ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯ бўлимига келиш лойиҳаси
МКК № 1

1-сон МКК, қабулхона Телефон: 64-84-00.
МКТ бўлими (6-бино) Телефон: 161-07-82.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида касб-ҳунар коллежларида «Тақдимот» тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Бу эса ҳар бир коллежнинг нуфузини аниқлашда, бажарилган ишларга баҳо беришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Коллежда тақдимот

Яқинда ана шундай тақдимот Янгийўл технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилди, деб хабар беради мазкур коллежнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари С. Бойматов.

Вилоятнинг кўплаб коллежлари ва академик лицейлардан ташриф буюрган меҳмонлар фанлар лабораториялари, ўқув хоналари, спорт мажмуаси, услубиёт хонасидаги амалга оширилаётган ишлар, ўқувчилар томонидан бажарилган кўргазмалар, маънавият ва маърифат бўйича олиб борилаётган ишлар ва бошқа жараёнлар билан танишдилар.

FIFA WORLD CUP GERMANY 2006

Ҳаш-паш дегунча бир ой вақт ҳам ўтиб кетибди. 9 июнь куни Германия — Коста-Рика жамоалари ўртасидаги ўйин билан бошланган футбол бўйича 18-жаҳон чемпионати 9 июлда ўз якунига етди.

Италия — тўрт карра чемпион

Мавсум арафасида турли спорт шарҳловчиларининг башоратларини берган эдик. Буни қарангки, ўшанда ҳеч ким, финалда Италия — Франция жамоалари рўбаро келади, деб башорат қилмаганди. Нима бўлганда ҳам жаҳон чемпионатида қатнашган ўттиз иккита жамоа дунёнинг турли бурчакларидаги шу спорт турининг миллиардлаб мухлисларига ажойиб футбол спектаклини намойиш этди.

Энди бевосита финал учрашуви ҳақида. Италия терма жамоаси пенальтилар ҳисобига Франция футболчиларини доғда қолдириб, ўз тарихида тўртинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Тажрибали ҳужумчи Давид Трезегенинг пенальтини ноаниқ бажариши французларни кумуш медаль билан кифояланишга мажбур қилди. Футбол қироли Пеле сўнгги ўн йилликнинг энг яхши футболчиси деб Зайниддин Зиданни эътироф этганди. Лекин у шу куни ўз асабларини жиловлай олмади. Учрашувнинг 110-дақиқасида италиялик ҳимоячи Марко Матераццига очиқчасига қўполлик қилди ва ҳакам томонидан қизил карточка билан жазоланди. Тажрибали футболчи терма жамоасидаги фаолиятини ана шундай аламли якунлади.

Учинчи ўрин учун баҳсда Германия — Португалияни 3:1 ҳисобида доғда қолдирди.

18-жаҳон чемпионати барча қитъаларда футбол жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини исботлади. Айниқса, бу борада Африка қитъаси вакиллари иштирокидаги ўйинлар ишқибозлар меҳрини қозонди. Гарчи, гуруҳ баҳсларидан чиқа олмаган бўлса-да, Кот Д' Иувар ва Гана мамлакатлари футболчиларини чемпионат кашфиёти бўлди деб бемалол айтиш мумкин. Ёки мундиалда илк бор иштирок этаётганлигига қарамай, чорак финалга етиб келган Украина футболчиларини эсланг.

«Сўл саволга ўнг жавоб» рукнининг навбатдаги мавзуси жаҳон чемпионатига бағишланди.

Сўл саволга ўнг жавоб

Савол: Агар Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатига чиққанида унинг иштирокини қандай тасаввур қилардингиз?

Биз ҳам борганимизда эди...

Акрам ҲАЙДАРОВ, Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси мухбири:

— Албатта, жаҳон чемпионатида қатнашишнинг ўзи катта гап. Агар Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашганда, ҳар бир ўйин олдидан мадҳиямиз янграганида, телевизор олдида туриб, кўзимда ёш билан футболчиларга жўр бўлардим. Уларни кўллаб туриш учун кўплаб ҳамюртларимиз Германияга борган бўлишармиди...

Ҳозир футболимизда ислоҳотлар даври кетаяпти. 2010 йилда ўттиз икки бахтли жамоа ичида Ўзбекистон ҳам бўлишини жуда-жуда истайман.

Отабек ЭШМАМАТОВ, «Спорт» телерадиоканали шарҳловчиси:

— Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатига чиқса, муносиб иштирок этиши аниқ эди. Чунки, йигитларимиз Саудия Арабистони ёки Тринидад ва Тобаго мамлакатлари футболчиларидан кам ўйин намойиш этишмасди. Йирик ҳисобдаги мағлубиятлар ҳам бўлмасди. Гуруҳдан чиқолмасак ҳам, уйга очкосиз қайтмасдик. Чунки, Максим Шацких, Миржалол Қосимов, Анвар Солиев ва Александр Гейнрихлар юқорида таъкидланган юрт вакиллари футболчиларидан маҳорат бобида асло қолишмайди. Чемпионат мобайнида 16-20 метрлик масофадан жарима тепишга тўғри келганда бир овоздан «Бу Миржалолнинг нуқтаси» деб юбордик.

Навбатдаги жаҳон чемпионатига тайёргарликни бугундан бошлаш керак. Аввал қитъада Япония, Жанубий Корея, Эрон, Саудия Арабистони терма жамоалари бизга асосий рақиб саналса, энди улар сафига Австралия ҳам қўшилди. Йўлланмани қўлга киритиш янада мураккаблашиши аниқ. Германия мураббийси Юрген Клинсман, Голландия мураббийси Марко ван Бастен, Украина мураббийси Олег Блохинлар ёш бўлишларига қарамай, яхши жамоа шакллантира олишган.

Ўзбекистон терма жамоасини ҳам ёш мураббийлар бошқариши керак деб ўйлайман. Масалан, Геннадий Денисов, Фарҳод Магомедов, Миржалол Қосимовларни терма жамоада мураббийликда синаб кўриш керакдир.

Икромжон АҲМЕДОВ, Косонсой тумани:

— Терма жамоамиз жаҳон чемпионатига чиққанда ҳам, менимча, шов-шувли натижа қайд эта олмасди. Чунки ҳозирги таркиб ва уларнинг жисмоний тайёргарлиги билан кўзлаган мақсадга эришиш қийин. Қолаверса, бир ой давомида гувоҳи бўлдикки, мундиалнинг энг паст жамоасининг ўйин савияси ҳам ҳамюртларимизникидан юқори экан.

Фикримча, футболимизда авлодлар алмашинувини ўтказиш керак.

Тўрт йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Агар ёшлардан иборат терма жамоани бугундан шакллантирмасак, кейин аттанг, деб қоламиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳурматли мижозлар!

TURON BANK АТ «ТУРОНБАНК»

сизга пластик карточкалар орқали замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади.

АТ «Туронбанк» пластик карточкалари бу:

- товарлар ва хизматлар учун тўлов қулай бўлган самарали восита;
- ҳар ойда йиллик 16 фоиз ҳисобида даромад олиш имконияти;
- маблағларни ўғирланишдан ишончли кафолатланиш;
- маблағларни исталган вақтда республикадаги барча терминал ва банкоматлар орқали нақд пулга айлантирилиш имконияти.

Шунингдек, акциядорлик тижорат «Туронбанк»и сизга янги хизмат тури — СЎМ КОРПОРАТИВ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ таклиф этади.

Сўм корпоратив пластик карточкалари — юридик шахс мақомига эга ташкилотлар ҳамда хусусий тадбиркорлар учун очилади.

Сўм корпоратив пластик карточкалари:
- сотиб олинган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва хизмат сафарлари тўловлари учун ҳисоб-китоб қилиш;
- юридик шахслар билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш учун мўлжалланган.

Сўм корпоратив пластик ҳисоб варағини очиш учун банк филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Туронбанк» сиз билан, сиз учун!

Мурожаат учун телефонлар: 144-32-52, 144-32-32.

MANNESMANN МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
под заказ ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси жамоаси бошқарма бошлиғи Адиба Аҳмеджановага турмуш ўртоғи Тоҳиржон АҲМЕДЖАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1234